*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 29 (6. 818) ◉ 1989 йил 4 февраль, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

● СССР Министрлар Совети «Нарх белгилаш практикасидаги камчиликларни бартараф этиш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Илгари хабар қилинганидек, Москвада СССР кооператорлари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги) союзининг таъсис съезди бўлиб ўтди. В. Сорокин союзнинг президенти қилиб сайланди. Бугун «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасида «Кооператорлар бирлашмоқда» сарлавҳаси остида газета мухбирининг В. Сорокин билан суҳбати берилган.

● Мамлакатимизда биринчи марта алоҳида кемалар эмас, энг йирик «Дальморпродукт» бирлашмасининг бутун флоти ижара пудратига ўтмоқда. «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги «Қайта қуриш: тажрибалар адреси» рубрикали мақолада ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

● Кеча Тошкентда Раҳмшафқат ва сиҳат-саломатлик совет фонди Ўзбекистон республика бўлимининг таъсис конференцияси бўлди. Республика бўлимининг раҳбар органлари — правлениеси, секретариати, ревизия комиссияси сайланди.

## Сўнгги соатда

### ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

● **ВАШИНГТОН.** Оқ уйда АҚШ президенти Жорж Бушнинг саккиз кунлик визит билан Қўшма Штатларга келган Япония бош министри Нобору Такэсита билан музокаралари бошланди. Япония ҳукуматининг бошлиғи — Буш АҚШ президенти лавозимини расмий равишда бажаришга киришганидан кейин у билан учрашган биринчи чет эллик раҳбардир. Оқ уйдаги суҳбат Н. Такэситанинг Америка маъмурияти раҳбар арбоблари ва АҚШ конгрессининг аъзолари билан Вашингтонда ўтказиладиган музокаралари ўзига хос дебочаси бўлиб хизмат қилади.

● **ВАШИНГТОН.** Оқ уйнинг матбуот секретари Марлин Фицуотернинг пайшанба куни маълум қилишича, АҚШ ҳукумати табиий офат натижасида яраланган арман болаларидан беш нафарини Американинг ҳарбий госпиталларида даволаш учун юборишга қарор қилди. Американинг Москвадаги элчиси илтимосига биноан, деди Оқ уй вакили, арман болалари ГФРга келтирилиб, у ердаги Америка ҳарбий госпиталига жойлаштирилади.

«Бу болаларнинг аҳволи оғир ва ҳаёти хавф остида турибди», — деди М. Фицуотер, унинг айтишича, келгуси ҳафтада Америка госпиталларида даволаш учун Арманистондаги зилзила натижасида шикастланган яна 31 болани келтириш мўлжалланмоқда.

● **МАНИЛА.** Филиппиннинг шарқий қисмида жойлашган Самар оролида тропик жала қуйди. Рўй берган сув тошқини натижасида 120 дан ортиқ киши ҳалок бўлди ёки дом-дараксиз йўқолди. Бир неча аҳоли пункти ва қишлоқни сув босди. Оролнинг ярим миллион киши яшайдиган шимолий районлари энг кўп зарар кўрди. Агар ёмғир ёғаверадиган бўлса, аҳолини офат зоналаридан кўчиришга тўғри келади. Маҳаллий маъмурларнинг фикрича, сув тошқинидан кўрилган зарар салкам 5 миллион долларга боради. Филиппиннинг энг қашшоқ районларидан бири — Самар ороли деярли ҳар йили муссон ёмғирлари мавсумида довулларнинг вайрон қилувчилик зарбасига учраб туради.

● **ПРАГА.** Бу ердаги рассомларнинг «Манес» уйида ҳозирги чех графикасининг бутун тарихи давомидаги энг катта кўргазма очилди. Унга ҳозир шу жанрда ишлаётган деярли ҳамма рассомларнинг кейинги саккиз йил мобайнидаги ижодий ишларини акс эттирувчи 563 та асар қўйилди.

● **КОПЕНГАГЕН.** Даниянинг Лесе оролидаги иккита балиқ овлаш кемасининг балиқчилари эндигина ремонтдан чиқарилиб, денгизга туширилган балиқ овлаш кемаси бехосдан ғойиб бўлиб қолганини кўриб, жуда ҳайратга тушдилар. Даниянинг Ритсаус бюро ахборот агентлиги хабар қилишича, ГФРнинг сув ости кемасига балиқ овлаш кемаси илиниб қолган ва сувости кемаси уни судраб кетган экан. Мана шу балиқ овлаш кемаларидан бири — «Никлас клитбо»нинг руль бошқаруви шикастланган ва Дания ҳарбий-денгиз кучларининг кемаси томонидан гаванга судраб олиб борилган. Балиқчилар бу ҳодисадан осонгина қутилдилар, деса бўлади. Чунки бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради. Масалан, 1984 йил кўкламида ГФР ҳарбий денгиз кучларининг сувости кемаси «Ане катрине» балиқ овлаш кемасини денгиз тубига судраб кетган эди. Ўшанда уч балиқчи ҳалок бўлган эди. Дания балиқчиларининг фикрича, ГФР ҳарбий-денгиз кучларининг Скагеррак ва Каттегат бўғозларида балиқ овлаш одат бўлиб қолган районларда сувости кемалари иштирокида ўтказадиган машқлари шу сувларда балиқ овловчи чоғроқ кемалар учун жуда ҳавфлидир.

## Дўст билан обод уйинг

# БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

**«Бизнинг коллективимизни ҳақиқий ягона дўстлик оиласи деса бўлади», — дейишади Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари. Бу ерга келганимизда биз бунинг гувоҳи бўлдик! Бир корхонада ишлаётган ўнлаб миллат вакилларининг беш йилликнинг тўртинчи йилида зарбдорона меҳнат қилаётганликларини кўрдик. Бунинг бош сабаби ҳақиқатдан ҳам улар орасидаги мустаҳкам дўстлик эди. Қуйида бугун биз шу корхонанинг бир неча миллат вакиллари — ишлаб чиқариш пешқадамлари билан таништиришга аҳд қилдик.**



✦ Истараси иссиқ бу қиз ўзини Лариса Алексеевна Бирюкова деб таништирди. Унинг хушмуомалалиги, ишчанлиги ҳақида коллектив ўртасида илиқ сўзларни эшитдик. Олий маълумотли инженер-электрончи, бу рус қизи, мана ўн бир йил бўлибдики, шу коллектив билан биргаликда корхона қувонч ва ташвишларини баҳам кўриб келаяпти. Ўз ишига фидойилигини айтмайсизми! У фотошаблонларни моҳирона тайёрлайди. Ишдан бўш вақтларида эса тикувчилик ва тўқувчилик билан ҳам шуғулланади.

✦ Татар қизи Фердаус Мансуровна Тагирова билан учрашганимизда унинг камтарлигига тан бердик! Қолаверса, унинг мазкур корхонада обрў-эътибор қозонганлигининг сабаби ҳам шунда деб ўйладик. Қаранг, у ҳозир учинчи категорияли конструктор. Электрон-ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва программалар тузади. 12 йилдан буён бу ишнинг сирларини ўрганган. Аммо бугунги кунда давр ўртага қўяётган вазифалар даражасида ишлашга интилиб, тажрибали кишилардан ўқиб-ўрганишга — касб сирларини мукаммал эгаллашга интилади.





✦ Математиканинг қанчалик мураккаблигини мактаб ўқувчисидан тортиб, олимгача билади. Абдураҳим Саидовни корхонанинг автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси ихтисослашган лойиҳа-конструкторлик бюросида: «Ўзбек математиги» деб таништиришди. У группа раҳбари, техника фанлари кандидатидир. Бирлашма касаба союз комитетининг аъзоси сифатида жамоат ишларида ҳам жонкуярлик кўрсатмоқда. Ҳозир шаҳримиздаги «Водоканал» иш режимлари, коммуникация тармоқлари бўйича қизғин иш олиб бормоқда.

✦ Ана шу бюро коллективини украин фарзанди Анна Ивановна Гацкевичсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу инженер-конструктор патент тадқиқоти устида иш олиб бормоқда. Уни меҳнат ветерани деб аташса-да, (у хотин-қизлар кенгашининг раисидир), ўзи «Бундай бир-бирига аҳил, яхши коллективда ҳеч чарчаганингни билмайсан, қушдек енгил бўлиб ишлайсан!» деди табассум билан. Унинг бу сўзларидан аҳил оила қувончини сезиш қийин эмас!



**Ҳ. АБРОРОВ.**

Р. Шарипов фотолари

## 26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

# Номзод рўйхатга олинди

Кеча 600-Тошкент — Чилонзор территориал сайлов округининг округ сайлов комиссияси йиғилиши бўлди. 5-таксопарк, Совет — Италия бирлашган «Совпластитал» корхонаси, «Ташметрострой» трести, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективларидан СССР халқ депутатлигига Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг номзоди рўйхатга олинди.

Округ сайлов комиссияси йиғилишида СССР халқ депутатлигига номзоди рўйхатга олинган Б. Ф. Сатин ишонч билдирган кишилар сафидан тасдиқланди. Уларга бу хусусда тегишли гувоҳномалар берилди. Энди улар ўз депутатлари программаси билан таништириш учун омма ўртасида ташвиқот ишларини олиб боришади.

**А. ДАМИНОВ.**

# Истагингиз ижобат бўлади

## Репортаж

Округ сайлов комиссиясининг хонасида ҳаёт қайнайди. Соат кечки 20 дан ошса ҳамки, бу ерга кириб келаётган сайловчиларнинг ниҳояси кўринмайди. Улар турли саволлар билан навбатчига мурожаат қилишади, таклиф ва истакларини билдиришади. Биз ҳам ана шундай суҳбатлардан бир нечтасининг гувоҳи бўлдик.

— Мен «2-Қуйлиқ» массивидаги 24-уйнинг 30-квартирасида истиқомат қиламан, — дейди Г. М. Никитин. — Квартирамни алмаштирмоқчи эдим, шунга бирор ёрдам берармикинсизлар деб келувдим?

Биз Г. М. Никитиннинг бу илтимосини эшитиб ҳозир навбатчи «бу саволнинг бизга нима дахли бор, сиз район ижроия комитетининг квартира бўлимига мурожаат этинг», деб чиқариб юборса керак, деб ўйлаган эдик. Йўқ, бундай бўлмади. Округ сайлов комиссиясининг секретари Дилфуза Раҳматуллаева ташриф буюрувчининг илтимосини дафтарга қайд этдида, унга юзланди.

— Илтимосингизни ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Эртага уйингизга депутатлардан бирини юборамиз. Шароитингизни ўрганиб келишади.

— Мен 14-квартал комитетининг раисиман, — дея ўзини таништирди В. И. Лемешкин. — Бир илтимос билан келган эдим. Биласизми, кварталимиздаги «Весна» кўчасининг 116-уйдан 182-уйгача бўлган йўлка асфальт қилинмаган. Сайловчилар илтимоси шуки, мана шу сиёсий кампания арафасида йўлка асфальтлаб берилса...

Ушбу саволни дафтарига қайд этар экан, Дилфуза район ижроия комитетининг масъул хизматчиси Баҳодир Дадабоевга юзланди.

— Талабларингиз албатта бажарилади, — деди у, — бу ҳақда район ободонлаштириш Бош бошқармасини хабардор қиламиз.

В. И. Лемешкин илтимоси бу қадар тез қондирилганидан хурсанд бўлиб чиқади.

Ленин район Советининг депутати В. Ф. Фебченко эса сайловчилардан тушган наказлар хусусида келибди. У 1-проезд Хушнуд ва Мунис проездлари ночор аҳволда эканлиги, ҳар иккала кўча капитал ремонтга муҳтожлиги ҳақида гапирди. Депутатнинг илтимоси инобатга олинди.

В. Ҳошимов, С. Каримов билан бўлган суҳбат эса депутат сайлови тўғрисида борди. Округ сайлов комиссиясининг секретари уларга бу йилги сайловнинг янги Қонун асосида ўтаётганлиги ҳақида тушунтириш берди.

— Сайловга тайёргарлик қизғин бораётганлигини энди ўзингиз фаҳмлаб олгандирсиз, — дейди Д. Раҳматуллаева бизга мурожаат қилиб. — Номзодлар кўрсатиш ниҳоясига етди. Бизнинг 597-Тошкент—Ленин территориал сайлов округимиздан ҳаммаси бўлиб 24 кишининг номзоди депутатликка кўрсатилди. Улар орасида «Ташсельмаш» заводининг 15-цехи токарь-автоматчиси Юрий Иванович Степаненко, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг оператори Евгений Александрович Маршалов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Эркин Тожибоев, Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими станцияси бошлиғи Андрей Борисович Емельянов ва бошқалар бор.

— Шунингдек, сайлов участкасини тузиш тадбирлари ҳам ниҳоясига етди, — суҳбатга қўшилади Б. Дадабоев. — Округимиз бўйича 51 та сайлов участкаси тузилди. Уларнинг раислари ва комиссия аъзолари сайланди. Ҳозир бу жойларда аҳоли ўртасида кенг сайлов пропагандаси олиб борилмоқда.

Биз сайлов комиссияси хонасидан чиққанимизда соат 21 дан ошиб кетганди. Лекин телефон қўнғироғи ҳамон жиринглашдан тинмас, ташриф буюрувчиларнинг эса кети узилмасди.

**М. КОМИЛЖОНОВ.**

● Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг дурадгори Виктор ИВЛЕВ.

# Замондошимиз



М. Нуриддинов фотоси.

## Ташаббусга кенг қанот

# Тинчлик вахтасига

**Тошкентликлар Совет тинчлик фондига улуш қўшишни ўзларининг юксак гражданлик бурчлари деб биладилар. Фақатгина ўтган йили пойтахт шаҳри аҳолиси ва меҳнат коллективлари мазкур ватанпарварлик фондига 400 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказишди. Шаҳарнинг Ҳамза, Киров, Фрунзе ва бошқа районларида тинчлик фондига катта маблағ ўтказаётганлар сафи кўпаймоқда.**

**В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларининг ташаббуси айниқса диққатга сазовор бўлди! Коллектив аҳли февраль ойида махсус шанбалик уюштириш, ундан тушган маблағларни 000705 счётига ўтказишга қарор қилиб, Тошкент шаҳри меҳнат коллективларини мазкур ташаббусга қўшилишга даъват этдилар.**

**Штатсиз мухбиримиз билан бўлган суҳбатда авиабирлашманинг Совет тинчлик фондига ёрдам комиссияси раиси, станоклар ремонти бўйича слесарь, тинчлик фонди Ўзбекистон бўлими правлениеси аъзоси Ориф Раҳимхўжаев шундай деди:**

— Мана, ўн йилдан ошибдики, авиасозлар февраль ойида мунтазам тинчлик вахтасини ўтказадилар. Натижада, фақат сўнгги 8 йил ичида тинчлик фонди 0,6 миллион сўмга кўпайди. Корхона мутахассислари — инженер-техник ходимлар, ишчилар махсус счетга шахсий маблағларини, ихтирочилик ва рационализаторлик мукофотларини ўтказдилар.

Биздан кўпинча, нима учун бирлашмада зарбдор вахта февраль ойида ўтказилади, деб сўрашади. Бунинг ўз сабаби бор, албатта. Февраль календардаги энг қисқа ой, планлар эса катта. Қўшимча иш куни ташкил этиш эса халқ хўжалиги планларини адо этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Совет тинчлик фонди биринчилар қаторида зилзиладан талофат кўрган Арманистон ва Тожикистон аҳолисига бир неча миллион сўм ёрдам пули ўтказди. Бу маблағ даволаш муассасаларини қуриш ва жиҳозлашга сафарбар этилади.

Юксак гражданлик бурчини адо этиш ва бу бурчга садоқат мазкур шанбалик қатнашчиларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Тошкент шаҳар партия комитети авиасозларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Ҳозир саноат корхонаси, транспорт, алоқа, қурилиш коллективлари фахрли зарбдор вахтага тайёргарликни бошлади. Шу ўринда фақат сўнгги уч йил ичида тошкентликларнинг Совет Тинчлик фондига 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ўтказганларини таъкидлаб ўтиш зарур.

**М. АВЕРИН.**

# Металлда ифодаланган фантазия

Тошкентдаги Ўзбекистон осори атиқалар ва заргарлик санъати музейида очилган кўргазмага қирғизистонлик заргарларнинг юздан ортиқ асари қўйилган. Кўргазма бу жанрда ижод қилаётган қирғизистонлик ўн бир етакчи рассомнинг асарлари билан таништиради. Бутуниттифоқ ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилган кўпчилик асарлар мутахассисларнинг энг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Уста Шомил Дайирбеков яратган безаклар Бельгия, Ҳиндистон, Япония, Швеция, Франция, Польша ва бошқа мамлакатларда намойиш этилди. «Бизнинг аждодлар» туркумидаги ишлар — булар ўз халқи тарихига, урф-одатлари ва маданиятига ташланган ўзига хос назардир.

Социалистик мамлакатларнинг Чехословакияда ўтказилган бадиий ҳунармандчилик конкурси дипломантлари ишлари заргарлик санъатининг ривожидаги бошқа бир йўналишни намойиш этмоқда. Уларнинг асарлари формаси, ишланиш услуби жиҳатидан анча замонавий руҳда яратилган.

Қирғиз усталари ранг-баранг сирлаш, болғалаш, металл қуйиш, ҳайкалтарошлик миниатюрасининг турли усулларидан фойдаланишмоқда. Маржон, билагузук, сирғалар каби одатдаги формалар билан бир қаторда, маиший турмушга бевосита даҳлдор бўлмаган ишлар ҳам экспозицияга қўйилган. Булар турли материаллар ва турли техник усуллар қўлланилган бутун бир заргарлик композицияларидир. Ана шундай «Фольклорга субъектив муносабат» ишлар туркуми ГДРдаги халқаро кўргазмада учинчи даражали мукофот билан тақдирланди. Бу асарларнинг ажралиб турадиган хусусияти шарқ санъати анъаналарининг ҳозирги замон шаклларига уйғунлаштирилганидир.

Бу кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, асари экспозицияга кирган ҳар бир уста заргарлик ишида муайян бир йўналиш вакилидир. Уларнинг ҳар бири бу санъатнинг анъанавий формаларига ҳам, уни ривожлантириш янги тенденцияларига ҳам оригинал назарга эгадир. Шу билан биргаликда уларнинг барчасини қирғиз халқи маданияти ва миллий хусусиятларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш бирлаштириб туради. Кўргазманинг асосий мақсади эса бу қадимий санъатни оммалаштиришдир. Афсуски, унинг кўпгина анъаналари ҳозир йўқолиб кетган. Ҳозирги замон заргарларидан баъзиларигина — ҳақиқий санъат асарларини яратишмоқда. Кўпчилик эса майда-чуйда нарсалар ясаш билан шуғулланишни афзал кўришмоқда. Ана шундан бўлса керак, кекса усталарнинг сирлари йўқолиб бормоқда. Ваҳоланки уларни сақлаб қолиш зарур.

**П. БУРОВ.**
**ЎзТАГ мухбири.**

# ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

**✦ Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги Давлат комитетига қарашли «Ирмонтажстрой» трестининг 24-механизациялашган кўчма колоннаси аҳоли ва ташкилотлар учун яна бир қулайлик яратди.**

Колонна оғирлиги 120 тоннагача бўлган катта ҳажмдаги юкларни республикамизнинг турли районларига элтиб бериш билан ҳам шуғулланади.

— Бунинг учун бир нечта оғир юк транспорти ММАЗ — 1175 автомобили ажратилди, — дейди колонна бошлиғи ўринбосари М. Юсупов. — Шаҳримиз аҳолиси хизматига тайёрмиз.

# ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

## *Дўст бошига кулфат тушганда...*

1989 йилимизнинг 23 январь тонготари қардош Тожикистон диёрида яшовчи дўстларимизнинг бир умр ёдидан чиқмаса керак. Айниқса, бу кун Шарора, Оқулиболо ва Оқулипоён қишлоқ аҳолисининг зилзиладан омон қолган кишилари қалбида абадий муҳрланиб қолади.

Дўст бошига кулфат тушганда қўл қовуштириб ўтирмаслик халқимизнинг азалий одати. Арманистон диёрида рўй берган зилзила вақтида ҳам биз оиламиз билан 700412 счётига 100 сўм пул ўтказгандик. Куни-кеча зилзиладан зарар кўрган қардош тожикистонлик дўстларимиз ҳисобига очилган 70030 счётига ҳам 100 сўм ўтказдик.

**У. КОМИЛОВ.**

Юнусобод маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат ветерани.

## *ШАРОРА*

Титрама, эй юрак,
Тинчлан, бечора,
Қайноқ санчиғингга
Топилмас чора,
Чидамоқ қийиндир
Бундай оҳ-зора,
Қайдасан Шарора,
Тоғли Шарора!
Уйқу қучоғида
Эди эл тонг чоғ,
Тоғдан босиб келмиш,
Миллион куб тупроқ,
Қардошлик қабрига
Айланди қишлоқ,
Наҳот бўлса унинг
Қисмати қора,
Қайдасан Шарора,
Доғли Шарора!
Бир одам кўз юмса
Кўнгил бўлиб ғаш,
Бутун маҳалладан
Чиқар тобуткаш,
Тил тортмай қирилса,
Қишлоғинг яккаш,
Нақадар мушкулдир

Боқмоқ як бора,
Қайдасан Шарора,
Оҳли Шарора!
Кўплаб қайғу кўрган
Мўйсафид тарих,
Аламли кунларинг
Этолмас таъриф,
Зотан бу кулфатга
Топилмас тавсиф,
Дўст меҳри мададкор
Бўлолса зора...
Қайдасан Шарора,
Шўрлик Шарора!
Мислсиз фалокат
Тушди бошингга,
Чидолмай, тожигим,
Кўзда ёшингга,
Дўстларинг йўл олди
Ғамгин қошингга,
Қайғудош диллара
Бу жаҳон тор-а,
Қайдасан Шарора,
Тоғли Шарора!

**Наримон ОРИФЖОНОВ.**

